



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 30 » iyul'

№ 458

Toshkent sh.

### **Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашга жалб қилинган тез тиббий ёрдам ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисида**

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекциясининг тарқалиши авж олаётган ҳозирги даврда республикамизнинг соғлиқни сақлаш тизимида **52 мингдан ортиқ тез тиббий ёрдам ходимлари** (врач ходимлар, ўрта тиббиёт ходимлари ва ҳайдовчилар) ҳам жонбозлик кўрсатишишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармонига мувофиқ, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда ҳамда кириб келаётган Қурбон ҳайити байрами муносабати билан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашга жалб қилинган тез тиббий ёрдам ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПҚ-4652-сон ва “Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4695-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг

“Коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан қамраб олиш чора-тадбирлари түғрисида” 2020 йил 20 июлдаги 446-сон қарорлари билан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари, шу жумладан тез тиббий ёрдам ходимларига қўшимча рағбатлантириш тўловлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармонига мувофиқ тез тиббий ёрдам ходимларини бир марталик моддий рағбатлантириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **100 млрд. сўм** миқдорида маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шунингдек, ушбу мақсадлар учун таниқли тадбиркор ватандошимиз А.Б. Усмонов томонидан қўшимча равишда **100 млрд. сўм (10 млн. АҚШ доллари эквивалентида)** миқдорида ҳомийлик хайрияси ажратилганлиги инобатга олинсин.

3. Республикаизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашга жалб қилинган тез тиббий ёрдам ходимларига қўйидаги миқдорларда бир марталик моддий рағбатлантириш тўловлари белгилансин:

врач ходимларга – **5 миллион сўм**;

ўрта тиббиёт ходимлари (фельдшерлар ва санитарлар)га – **4 миллион сўм**;

ҳайдовчиларга – **3 миллион сўм**.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган тўловлар 2020 йил 1 июнгача ишга қабул қилинган ходимларга нисбатан тадбиқ қилинади.

4. Тез тиббий ёрдам ходимларига бир марталик моддий рағбатлантириш тўловларини ўз вақтида ва манзилли тўланишини таъминлашнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

ушбу қарорнинг 2-бандига мувофиқ ажратилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни мувофиқлаштириш жамғармасида (бундан буён – Жамғарма) жамланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош

бошқармаси (бундан бүён – ҳудудий бошқармалар) уч кун мұддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бир марталик моддий рағбатлантириш түловларини тұлаш учун Жамғармадан ажратилиши зарур бўлган маблағлар миқдори тўғрисида муассасалар кесимида буюртма беради. Бунда буюртма ушбу қарор билан белгиланган миқдорлардан келиб чиқиб, маблағларни олувчи муассасаларнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларини кўрсатган ҳолда шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бошқармаларнинг буюртмалариға мувофиқ **икки кун мұддатда** пул маблағларини Жамғармадан тегишли ҳажмларда маблағларни олувчи муассасаларнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиб беради;

пул маблағларни олувчи муассасалар **бир иш куни** ичида тегишли тез тиббий ёрдам ходимларининг банк карталариға ўтказиб бериш ёки нақд пул маблағларини бериш орқали бир марталик моддий рағбатлантириш түловларининг тўлаб берилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига бир марталик моддий рағбатлантириш түловларини ўз вақтида ва манзилли тўланиши устидан назорат қилиш юклансин.

6. Бир марталик моддий рағбатлантириш тўлови сүммаси жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибиға кирмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Дж.А.Кучкаров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири



А.Арипов